Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 1 (2023) · "Axborot oqimlari va intellektual tizimlarning ijtimoiy, iqtisodiy va texnik-texnol... DOI: 10.5281/zenodo.24319638

materiallar to'plami

Аҳоли даромадларининг тақсимланиши ва улардаги ўзгаришлар

Турғунов Турсунбой Сабирович, "Автомобилсозлик" факултети декани иқтисодиёт фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) Андижон машинасозлик институте, Андижон шаҳри, Ўзбекистон
Саримсақов Донёрбек Хомидович, "Иқтисодиёт" факултети декани иқтисодиёт фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) Андижон машинасозлик институти, Андижон шаҳри, Ўзбекистон

Иқтисодиёт таркибидаги бандлик ва даромадлардаги ўзгаришлар боис турли ижтимоий гуруҳлар ва мамлакат ҳудудлари ҳамда тармоқлар ўртасида даромадларнинг нотенг тақсимланиши кучаймоқда. Объектив сабабларга кўра, иқтисодиёт таркибининг қайта қурилиши меҳнатга бўлган талаб ва таклифдаги ўзгаришларга боғлиқ. Маҳсулотига талаб юқори бўлган тармоқларда талаб камроқ бўлган тармоқлардагига қараганда иқтисодий ўсишдан кўпроқ фойда олинади. Талабнинг тенгсизлиги мамлакатимизда даромадлар нотенг тақсимланишига олиб келди, шу билан бирга аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари ўртасида бу борадаги тафовутни кучайтирди.

Халқаро ва миллий экспертлар тадқиқотларида иқтисодий ўсиш салоҳиятини, турмуш даражани ошириш даромадлардаги тенгсизлик қискариши каби чекловчи муаммолар билан боғлиқлиги кўрсатиб ўтилган. Чунончи: иқтисодий ўсиш меҳнатда эмас, балки кўпроқ капиталлаштирилган тармоқларда бўлмоқда. Энергетика ва транспортга ўхшаш тармоқларга сарфланган инвестициялар бутун бир иқтисодиётга фойда келтириши мумкин, лекин бошқа секторлардаги бандликка жиддий таъсир кўрсатмайди;

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, иқтисодий ўсишга туртки берувчи истеъмол асосан аҳолининг таъминланган табақалари ҳаражатлари ҳисобига бўлмоқда[26].

иқтисодий ўсиш шаҳар ва қишлоқлар учун бир хил эмаслиги даромадлар тақсимланишида акс этди. 1991 йилдан то 2000 йилгача аҳолининг умумий банд қисми 13% га ўсди, лекин қишлоқ жойларда банд аҳолининг улуши олдинги даражада қолди;

меҳнатга бўлган талаб бутун бир таклифни қоплай олмайди. Хусусан, ўрта даражадаги маълумотга эга бўлган ишчиларга талаб етарли эмас[27].

Минтақалар ўртасидаги табақаланиш ва фарқлар объектив ва субъектив омиллар таъсири остида содир бўлади. Объектив омиллар ҳудудларнинг табиий - иқтисодий ресурслар билан турлича таъмимланиши; ишлаб чиқариш салоҳияти концентрацияси инфратузилма объектлари билан бир хил даражада ривожланмаганлиги; иқтисодиёт таркиби ва аҳолининг ҳимоя қилиш тизими; бозор хўжалиги механизмларига мослашиш даражаси билан асосланади.

[26]Дэвид М. Котц. Источники и особенности "загадки" экономического роста в Узбекистане. //Макроэкономическая политика и сокращение бедности в Узбекистане. ЦЭИ и ПРООН, 2004.

[27]Узбекистан: этапу и развития экономики и благосостояния населения. О.Намозов, Ю.Наумов.// Экономическое обозрение. - №12, 2004.

Published: 10.11.2023

Cite this article: Турғунов Турсунбой Сабирович, Саримсақов Донёрбек Хомидович (2023). Аҳоли даромадларининг тақсимланиши ва улардаги ўзгаришлар. Emro Science and Education, 1(1). https://doi.org/10.5281/zenodo.24319638

© 2023 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

Ҳудудий табақаланишнинг субъектив омилларига эса инвестициялар ҳудудлар бўйича турлича тақсимланиши, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқаришнинг маъмурий услубларини эгаллаш, ҳудуддаги моддий-техник ва молиявий базанинг етишмаслиги, бюджетлараро муносабатлар ва маҳаллий хўжаликларнинг шаклланишидаги номутаносибликлар киради.

Аҳоли турмуш даражаси нисбатан паст бўлган ҳудудлар Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳисобланмоқда. Аммо бундай зиддиятли ҳолат нафақат минтақаларда, балки туманлар даражасида ҳам турли тоифадаги шаҳарлар ва алоҳида табиий - иктисодий ҳудудларга табақалашувга олиб келиши мумкин.

Ҳамма туманларда меҳнат заҳиралари мавжуд. Аммо улардан фойдаланиш учун яхши ривожланмаган ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма, маҳаллий бюджетлар чекланганлиги ва маҳаллий ҳокимият идоралари фаолияти самарадорлигининг пастлиги қатор қийинчиликлар туғдирмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажман пасайишининг олдини олиш чоралари кўрилганига қарамасдан кам таъминланганлик даражаси ўсди. Уй хўжаликлари даромадлари аҳоли минимал иш ҳақидан ўтган асрнинг 80-йилларидагига таққослаганда 1994-1995 йилларда 44,5% паст бўлган. Кам таъминланганлар 1997 йилда 23,3%, 2001 йилда эса 16% ни[28]. Жаҳон банки маълумотлари бўйича эса, 2000 — 2001 йилларда жами аҳолининг 27,5% ини ташкил қилган.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, тенгсизлик кучайиб бораётган шароитда иқтисодий ўсиш аҳолининг кам таъминланганлик кўламини қисқартиришга таъсирни бирмунча камайтиради. Бундан ташқари аҳоли табақаланишининг ўсиши ёки узоқ сақланиб туриши жон бошига тўғри келадиган ЯИМнинг ўсиш суръатига бевосита таъсир кўрсатади.

Бундай ҳолат Ўзбекистонда ўтган асрнинг 90-йиллари бошида тадбиркорлик фаолиятига чеклашлар олиб ташланган ва турли даромад манбаларидан фойдаланиш учун шароит яратилган даврда содир бўлган эди. Ҳуқуқий ва институционал база ривожланмаганлиги ўша йиллари жамиятнинг маълум бир қисмида тез ва асосланмаган даромад олишга ва капитал жамғарилишига ҳамда аҳолининг кам таъминланган қисми улуши ортишига таъсир кўрсатди.

Кам таъминланган уй хўжаликлари асосан оилада болалар сони кўплиги ва банд бўлганлар улуши пастлиги (ҳам қишлоқда, ҳам шаҳар жойларида) билан ажралиб туради. Масалан, қишлоқнинг кам таъминланган уй хўжалигидаги доимий даромад манбасига эга бўлган ҳар бир аъзосига 5,9, таъминланганида эса 2,9 боқиманда тўғри келади. Ундан ташқари, иқтисодиётнинг расмий секторида иш топиш имконияти камроқ эканлиги боис кам таъминланганлар меҳнат бозорига озроқ жалб этилган.

Аҳолининг ижтимоий ночор ва кам таъминланган қатламларига манзилли ёрдам кўрсатиш сиёсати уларнинг даромади орасидаги тафовут даражасини бирмунча юмшатади. Джини коэффициенти 1991–1997 йилларда 0,261дан 0,421

[28]Илмий тадқиқотлар маркази. (ЦЭИ) маълумотлари.

кўтарилиб, 2003 йилда 0,387 гача тушди. Квинтиль коэффициентлар орасидаги фарқ эса бу даврда 8,5 дан 13,2 гача ошиб, 8,4 га тушди. Аммо аҳоли даромади бўйича фарқ ҳануз анча юқори.

Кўпинча даромаддаги тенгсизлик кескин бўлган шароитда иқтисодий ўсиш суръати юқорилиги ҳам кам таъминланганлар аҳволи яхшиланишига олиб келмайди.

Умумий тенгсизликнинг ўсишига қуйидагилар таъсир этади:

уй хўжаликлари даромадлари таркибининг кескин ўзгариши;

озиқ - овқат маҳсулотларига субсидиялар ва биринчи зарурий эҳтиёж хизматлари қисқартирилиши;

иш ҳақининг нотекис тақсимланиши.

иш ҳақи тақсимланишида ҳудудий нотенгликнинг ўсиши.

Даромадлардаги фарқнинг юқорилиги бошқа жиҳатлардаги тенгсизликка олиб келиши, масалан, таълим, соғлиқни сақлаш, шахсий бизнесни очиш ёки жамиятнинг сиёсий ҳаётида тўлик қатнашиш имкониятини пасайтириши мумкин.

Ижтимоий нуқтаи назардан таъминланган ҳамда кам таъминланганлар ўртасидаги тафовут адолатсиздай кўринади. Ундан ташқари, аниқ белгиланган чегарадан ошиб кетган тафовутлар ЯИМнинг ўсиш суръатини пасайтириши мумкин. Гап шундаки**, биринчидан,** кам таъминланган ва ўртаҳол синфда меҳнатга бўлган қизиқиш сусайиши, ижтимоий-иқтисодий тафовут ортиши, ишлаб чиқариш пасайиши мумкин. **Иккинчидан,** тенгсизликнинг юқорилиги инсон капитали шаклланиши ва ўсиши секинлашишига олиб келади, чунки кам таъминланганлар фарзандларининг таълимига ҳаражат қила олмайдилар. **Учинчидан,** инвестицион имкониятлар бойларнинг қўлида йиғилиб, улар хоҳлаган фаолиятга, ҳаттоки, катта фойда келмайдиган соҳаларга инвестиция қилишлари мумкин. Кам таъминланганлар эса, хусусий ишлаб чиқариш салоҳиятини амалга ошириш имкониятига ҳам эга бўлмайдилар. **Тўртинчидан,** даромаддаги тенгсизликнинг юқорилиги рационал иқтисодий сиёсат доирасиин қисқартиради ва турмуш даражани ошириш нуқтаи назаридан макроиқтисодий сиёсат олиб боришга тўғри келади, чунки бойлар ўсувчан солиққа тортишга ва даромадларнинг қайта тақсимланишига, иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи асосий таркибий ўзгаришларга қаршилик қиладилар. **Бешинчидан,** табақаланишнинг юқорилиги солиқлардан тушумлар камайишига ва иқтисодий ўсиш учун муҳим бўлган ҳуқуқ-тартибот, шартномаларга риоя килиш, мулк ҳуқуқларининг ҳимояси, таълим ва соғлиқни сақлаш каби ижтимоий хизматлардан фойдаланишни чеклайди. Хулоса қилиб айтганда, аҳоли даромадларидаги юқори даражадаги тенгсизлик мамлакатнинг инвестицион муҳити ёмонлашувига олиб келади.

Аҳоли даромадларининг тенг тақсимланиши эса иқтисодиётда ялпи талаб миқдори ортишига кучли бир таянч бўлиши, натижада иқтисодий ўсиш суръатини ва аҳоли турмуш даражасини ошириши мумкин.